

## МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ ИЛА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

**Ҳақлиев В.Б.**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей  
ўқитувчиси, доцент, тарих фанлари номзоди*

Ўзбекистон 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигини эълон қилди. Халқимиз 130 йилдан зиёд давом этган мустамлака асоратидан озод бўлди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилаш, барча табиий, минерал хом-ашё бойликларидан мамлакатнинг бутун салоҳиятини ўз халқи ва келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мамлакатда сохта ғоя – маъмурий буйруқбозлик асосига қурилган мустабид тузимга барҳам берилди. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий, ҳуқуқий ва амалий асослари яратилди ва яратилмоқда.

Шунингдек, тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятдаги маънавий ўрни ва аҳамияти қайта тикланди.

Мустақиллик шарофоти билан бир вақтлар таъқиқланган, таъқиб қилинган миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва ривожланиши учун катта имконият туғилди. Албатта, давлатимиз томонидан маънавий янгиланиш сари қўйилган қадам мустақиллигимизни мустаҳкамлашга асосий замин бўлади. Аввало, халқимиз қадимий ҳамда бой маънавий меросга эга эканлигини унутмаслигимиз керак. Миллий маънавиятимиз чоризм ва шўро зўравонлиги даврида ҳар қанча зарбага учрамасин, ўзининг ҳақиқий жилосини ҳеч қачон йўқотмади.

Ўзбекистон Мустақиллигига қадар бўлган етмиш тўрт йил ичида маданий-маърифий тараққиётимиз имкониятларидан тўла фойдалана олмадик. Марказ томонидан юргизилган давлат сиёсати туфайли миллий онгимиз, миллий тилимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз ривожланишига йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни турғунликда, қолақликда

тутишга уринган бўлса, большевик-шовинистлар маҳаллий халқларни ўз миллий маданияtidан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутдилар.

Шўро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига «шахсга сиғиниш» балоси рўбару бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек:

*“Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур.<sup>68</sup>*

Инсонларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашга кўмаклашадиган муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари уламою фузалоларнинг мўътабар асарлари халқдан яширилди, уларга ўт қўйилди, сувларга оқизилди.

Шўро ҳукумати дастлабки йилларидаёқ, аввало бутун зиёлилар ва ҳатто эски ўзбек ёзувини биладиган (мулла деб ном олган) кишилар ҳам қамоқларга жўнатилди. Кейинчалик эса уйда араб алифбоси ёзувидаги китоб ва қўлёзмаларни сақлаган одамлар қаттиқ таъқиб остига олинди. Хуллас, ўзбек халқининг илғор қисми - зиёлиларга, маърифат ҳомийларига жуда катта зарба берилди. Бу қатағонлик хатти-ҳаракати ўтган етмиш йил давомида у ёки бу даражада доимий ва узвий равишда давом этди.

Миллий маънавий қадриятлардан бири миллий урф-одатлар, анъаналар, диний-тарбиявий маросимлар, халқ байрам ва сайиллари кабиларга қилинган хужум ўзбек халқи бошига тушган оғир дард бўлди.

Умуман олганда, шўро йиллари давомида ўзбек халқи эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг маънавиятига салбий таъсир қилди.

Даҳшатлиси шу бўлдики, ислом динини «фош этиш» мақсадида азиз-авлиёларнинг мазорларига ўт қўйилди, мақбаралари остин-устин қилинди. Коммунистлар, раҳбар ходимлар ота-оналари, яқин кишилари жанозасига боришдан қўрқиб қолишди. Юрак ютиб борганлар партиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Мустақиллигимиз туфайли тарихий, диний, ахлоқий, урф-одат, анъанавий, ҳуқуқий, фалсафий ва бошқа қадриятларимиз қайта тикланиб, ривожланмоқда.

Тоталитар тузум шароитида тарихимизни холис ўрганишга имконият берилмади, яъни тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилди. Масалан, Амир Темур шахсига нисбатан, Чор Россиясини Туркистон ўлкасини

<sup>68</sup> <https://qalampir.uz/news/prezident-ma-naviyatni-yuksaltirish-buyicha-yigilish-utkazdi-31829>

босиб олиниши «қўшиб олиниши» шаклида ёки 1917 йилдан бошланган истиқлолчилар ҳаракатини «босмачилар» ҳаракати деб, нотўғри талқин этилди.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг муборак номини қайта тиклади, унинг она Ватан олдидаги юксак хизматларини муносиб баҳоланди. Амир Темурнинг тарих саҳнасига қайтарилиши халқимизнинг миллий ғурурини, миллий онгини юксалтиришда катта аҳамиятга эга эди. Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг марказида Амир Темур хиёбони бунёд этилиб, унинг ўртасига Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилди. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий, илмий-оммабоп асарлар нашр этиш йўлга қўйилди. 1996 йили мамлакатимизда «Амир Темур йили» деб эълон қилиниб, шу йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги» қарори асосида кенг миқёсда нишонланди. 1996 йилнинг 18 октябрида Тошкентда «Темурийлар тарихи» давлат музейи очилди. Шу йили 26 апрелда Олий мажлис томонидан Амир Темур ордени таъсис этилди<sup>1</sup>. Юбилей йилида Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур ҳайкаллари очилди.

Амир Темур юбилейини ўтказиш жаҳон миқёсига чиқиб, 50 дан ортиқ давлатларда ҳам кенг нишонланди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида 1996 йил апрелда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги бир вақтлар топталган, оёқ ости қилинган диний қадриятларимизнинг тикланишига ҳам имкон берди. 1992 йилнинг 27 мартдаги Фармойиш билан Рўза (Ийд ал-фитр) ва Қурбон (Ийд ал Адҳа) ҳайитлари байрам (дам олиш) кунлари деб эълон қилинди.

Ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони карим мустақиллик йилларида ўзбекчага ўгирилиб, нашр этилди<sup>1</sup>.

Ислом оламининг машҳур ҳадисшунослари – имом Бухорий ва ат Термизийлар Ўзбекистон заминида яшаб ўтганлар. Шунинг учун ҳам мустақиллик даврида имом Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги нишонланди, Имом Бухорийнинг «Ал Жомий ас-саҳиҳ» деб номланган ҳадислар тўпламининг 4 жилди нашр қилинди.

<sup>1</sup> Амир Темур ордени билан давлатчиликнинг мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, илм-фан, санъат, адабиёт ҳамда ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун Ўзбекистон ва чет эл фуқаролари (давлатлараро тинчлик, халқлар ўртасида дўстликни ривожлантиргани учун) мукофотланади.

<sup>1</sup> **Қаранг:** Қуръони карим (Алуддин Мансур таржимаси). – Т., 1992.

<sup>2</sup> Авеста. – Т., 2001.

1999 йилда Тошкент Ислон университети ташкил қилинди.

Мамлакатимиз аҳолиси кўп миллатли бўлганлиги сабабли ислом динидан бошқа динларга эътиқод қилувчилар ҳам бор. Шунинг учун ҳукуратимиз томонидан уларга ҳам ўз эътиқодларини амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилди. 1996 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкентдаги Свято-Успенский собори қошида диний-маъмурий марказ тузиш ҳақида қарор қабул қилди ҳамда соборни кенгайтириш учун 2 гектар ер ажратилди.

Мустақиллик йилларида эътибордан четда қолган ёки турли танқидларга учраган миллий адабиётимиз, она тилимизга қайта ҳаёт бахш этилди. 2001 йилда Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»нинг 2700 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан биринчи марта «Авесто»нинг ўзбекча тўлиқ нашри чиқди<sup>2</sup>.

Ватанимизда ўзбек халқининг қаҳрамонлик достони бўлмиш «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги 1989 йили кенг нишонланди. Ўзбек халқининг миллий бирлиги, ўз-ўзини англаш рамзига айлаган «Алпомиш» нинг тўла нашри амалга оширилди<sup>1</sup>.

Марказий Осиёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бўлмиш ўзбек тили ҳам узоқ йиллик четга сурилишдан сўнг мустақиллик даврида ўз ўрнини топди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида» ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, ўзбек тили Ўзбекистоннинг давлат тили деб эълон қилинди. Бироқ давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги бошқа тилларни ўрганишни ва уларнинг аҳамиятини асло камайтирмайди. Истиқлол туфайли миллатпарвар ёзувчилар Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар қори кабиларнинг ижодини эркин ўрганиш имконияти туғилди. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари саҳналаштирилди, Фитратнинг «Қиёмат» қиссаси, Абулфаёзхон» драмаси нашрдан чиқди.

Маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлмиш қадимий урф одат, анъана ва байрамларни тиклаш борасида ҳам муҳим ишлар қилинди. Асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келган энг кўҳна байрамларимиздан «Наврўз» умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди, ушбу кун дам олиш куни деб эълон қилинди. Наврўз яшариш, йилнинг боши, яхшилиқ, меҳр-оқибат, ўзаро ярашиш байрами сифатида азалдан нишонланиб келинган.

<sup>1</sup> Алпомиш. – Т., 1998.

Миллатимизга хос анъаналардан бири – катталарни ҳурмат-иззат қилишга ҳам эътибор берилмоқда. Шарқ халқларида ёши улўғнинг ҳурматини жойига қўйиш ёшлиқдан фарзандларга ўргатилган. Ёши катталарга ёрдамлашиш одат ҳисобланган. Шу удумимиз мустақиллик туфайли яна мустаҳкамланмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни [имзола](#)шида катта маъно-мазмун ётади.

Хуллас, юқорида мустамлакачилик шароитида топталган, тазйиқларга учраган бой маънавий меросимизнинг мустақиллик йилларида қайта тикланишини улкан ютуқдир. Мустақиллик туфайли миллий маънавиятимизнинг тикланиши, халқимизнинг миллий ўзлигини англаши ва ватанпарварлик туйғуларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.